

## **Миллий кутубхона фонди "Ҳикмат уммонининг дурлари" китоби билан бойитилди**

20 янв 2016

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фонди 2015 йилда “FAYLASUFLAR” нашриётида чоп этилган “Ҳикмат уммонининг дурлари” китоби билан тўлдирилди.

284 бетли ушбу китоб юридик фанлари доктори, профессор А.Саидов томонидан тузилган.

Унда буюк ёзувчи-файласуфлар, олимлар, санъаткорлар, сиёсатчиларнинг доно сўзлари келтирилади, “ҳикматли сўзлар” тушунчасига таъриф берилади.

Тўпламнинг биринчи жилдида 22 нафар ёзувчиларнинг чуқур маънога эга афоризмлари йигилган.

Мазкур китоб машҳур кишиларнинг фалсафий қарашлари ва доно сўзларига қизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган. Бу ҳақда кутубхона матбуот хизмати [хабар беради.](#)